

АЛИШЕР НАВОЙ АСАРЛАРИНИ БИБЛИОГРАФИК МАНБА СИФАТИДА ТАЛҚИН ЭТИШ



Фазила Рўзиева

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг Миллий библиография маълумотлар базасини шакллантириш хизмати бош мутахассиси

In XV century the rise of culture of Herat is inextricably linked with the activity of Alisher Navoi (1441-1501), the greatest poet and humanist, the founder of Uzbek literature, who made a great contribution to the development of world science and culture. Navoi was not only a poet, but also a great bibliographer of his time.

This article covers the bibliographical research of Alisher Navoi and his contribution to the development of bibliography in Central Asia.

*Барча олижаноб ишларимизда Навоий ғоялари,
Навоий ибрати, Навоий руҳи бизга ҳамиша ҳамроҳ
бўлсин!*

Ислом Каримов

Хозирги кунда кутубхонашунослик ва библиография иши анча ривожланди. Ахборот-кутубхона муассасалари асосий ахборот маркази сифатида истеъмолчиларга хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг жамиятда тутган ўрни ва фаолиятини янада ривожлантиришда кутубхонашуносликка оид муаммолар, назарий ҳамда амалий масалалар мавжуд бўлиб, булардан бири илк библиографик манбаларни ўрганиш ҳисобланади.

Маълумки, Мир Алишер Навоий жаҳон маданияти ва фани ривожига катта ҳисса қўшган алломанир. У XV асрнинг кўзга кўринган шоирларидан бири бўлибгина қолмасдан, библиографи ҳам эди. Алишер Навоий ўзининг йирик “Мажолисун-нафоис” номли тазкирасини яратди. Ушбу тазкира асосан 1490–1491 йилларда ёзилиб, 1498 йилда эса, муаллифнинг ўзи томонидан унга қўшимчалар киритилган, яъни асарнинг иккинчи таҳрири бажарилган. Асарда библиографик манба сифатида жуда кўп илмий маълумотлар берилган.

Тазкира саккиз бўлимдан иборат бўлиб, Навоий уларни “мажлис”лар деб атади. Буларда у 459 нафар шоир, ёзувчи ва олимлар ҳақида маълумот беради.

Биринчи мажлисда 46 та шоир номи тилга олинади. Булар орасида XV аср биринчи ярмида ижод этган машҳур адиблардан Қосими Анвар, Котибий, Яхъё Сайбак, Шоҳий ва бошқалар ҳақида маълумотлар бор.

Иккинчи мажлисда 91 та муаллиф ҳақида хабар берилади. Жумладан, жаҳонга машҳур “Зафарнома” муаллифи Шарафиддин Али Яздий, Лутфий, Атоий, Саккокийлар тилга олинади.

Учинчи мажлис муаллифнинг ўзи билан бевосита

муносабатда бўлган, биргаликда ижод этишган шоирлар, чунончи Навоийнинг дўсти ва устози Абдурахмон Жомий ва бошқаларга бағишланган.

Тўртинчи мажлисда Навоийга замондош бўлган 72 та ҳаваскор шоирлар ҳақида сўз юритилади.

Бешинчи мажлис “Тазкират уш-шуаро” муаллифи – амир Давлатшоҳ ҳақидаги жумлалар билан бошланган. Бу мажлис Хуросон ва унга ёндош ерларда яшаган ва адабиёт билан машғул бўлган 21 та мирзо ва аслзодаларга бағишланади.

Олтинчи мажлисда Самарқанд, Хоразм, Сова, Шероз, Шаҳрисабз каби шаҳарларда яшаб ижод 31 киши ҳақида гап кетади.

Еттинчи мажлисда Темур хонадонидан 22 та шахснинг номи зикр этилади. Мажлис Темур Қўрагон номи билан бошланади.

Саккизинчи мажлисда Навоий болалиқдан дўсти бўлган султон Хусайн Бойқаро ижоди ҳақида ёзган.

Мажлислар мундарижасидан маълум бўлишича, тазкирада Навоий ўз замонасининг шоирлари ва адиблари ҳамда адабий ҳаёт воқеалари тўғрисида маълумот беради.

Навоий “Мажолисун-нафоис”да шоирлар ижодини ёритиш билан бирга, улар ҳаётини, инсоний қиёфасини, ўша давр сиёсатини, ижтимоий воқеалар билан бирга, батафсил баҳолашга интилади. “Мажолисун-нафоис”нинг Санкт-Петербург, Париж, Вена, Истамбул, Тошкент, Боқу қўлёзма нусхалари ва Техронда нашр этилган форс тилидаги таржималарини тўплаб, ўрганилиб асарнинг адабий-танқидий тексти тузилган.

Алишер Навоий “Мажолисун-нафоис”да Султонали Машҳадийнинг ажойиб хаттотлигидан ташқари, унинг яхшигина шоирлигини ҳам ёзади.

“Мажолисун-нафоис”да шеърят билан шуғулланувчи хунармандларга ҳам кенг ўрин берилган. Булар хусусида Навоий самимий муҳаббат билан ёзади. Коса-

гарлар Машриқий, Саид Ҳамдамий, жомабоф Нажмий, ҳолвагар Офатий, кўфтагар (металларга зарб берувчи) Ҳошимий, камонгар Бақоий, кордгар (пичоқчи) Устод Муҳаммад Убаҳий, кафшдўз Тоҳирий, киссадўз Зайн, кулоллар Саид, Машриқий, хаймадўз (чодир тикувчи) Арғун, дарзилик қилувчи (тикувчи) Ховарий, хиштмолик (ғишт куйиш) санъатига мансуб Дарвеш Деҳағий ва бошқалар шулар жумласидандир.

Навоий меҳнат аҳлига, уларнинг касб-корларига ва бунинг устига, шеър ижод этиш билан машғул бўлишларига катта мамнуният билан қарайди.

Навоий фақат адабий ҳаётда иштирок этган ҳунармандларнигина тилга олмайди. Тазкира материаллари шуни кўрсатадики, Навоий ўрта аср шаҳарлари учун характерли бўлган бошқа касб эгалари, уларнинг адабий-ижодий иш билан шуғулланишлари борасида ҳам катта муҳаббат билан сўзлайди.

Маълум бўлишича, Алишер Навоийнинг кутубхонасида 70 дан ортиқ хаттот ва мусаввирлар қўлёзмаларни оққа кўчириш, уларни бадий безаш билан банд бўлганлар.

“Мажолисун-нафоис” асарини айрим олимлар илмий томондан ўрганиб чиққанлар. Масалан, Е.Э.Бертельс ўзининг “Навоий” номли монографиясида бу асарга катта эътибор билан қараб, тазкиранинг умумий мазмуни ҳақида маълумотлар беради. А.Ҳайитметов “Алишер Навоийнинг адабий-танқидий қарашлари” мавзудаги номзодлик десертациясида Навоийнинг бир қанча асарлари қаторида “Мажолисун-нафоис”га ҳам мурожаат қилади.

Йирик библиограф В.В. Бартольд ўзининг “Мир

Алишер ва сиёсий ҳаёт” номли мақоласида “Мажолисун-нафоис” дан асл манба сифатида фойдаланган. Навоийнинг бу асарини библиографик луғат десак ҳам бўлади. Чунки унда ёзувчи ва шоирларга характеристика берилиб, уларни рўйхат сифатида тилга олингани ҳақида библиограф М.М.Туропов ўз илмий монографиясида ёзади.

Алишер Навоий асарларини библиографик манба сифатида ўрганиш эндиликда Мағрибу Машрик, Овропою Осиё мутахассисларининг диққатини тортаётгани буюк мутафаккир шоирнинг ворислари сифатида кўнглимизда ифтихор чечакларини ундиради. ижодиётига қизиқиш, уни ўрганиш Европада ҳам катта тарихга эга. Француз шарқшуноси Катрмер 1841 йилда босилган хрестоматиясига Навоийнинг икки асари: “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Тарихи мулуки аҷам”ни киритди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Алишер Навоий. Мажолисун нафоис: Илмий-танқидий текст/ тайёрловчи С.Ғаниева. – Тошкент: Ўзфанакадемнашр, 1961. – 256 б.
2. Абдуазизов А. Алишер Навоий меросининг хорижий элларда ўрганилиши. – Тошкент: 1992. – 22 б.
3. Ахунджанов Э. Очерки по истории книг и книжного дела в Средней Азии. Древность. Средние века. – Ташкент: Изд-во им. Ибн Сино, 1993. – 160 с.

АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН АХБОРОТ-КУТУБХОНА ТИЗИМЛАРИЛАРИНИНГ ЛИСОНИЙ (ЛИНГВИСТИК) ТАЪМИНОТИ



Шаҳобиддин Абдузоиров

Республика ахборот-кутубхона маркази

Ахборот-кутубхона технологиялари бўйича етакчи

мутахассис

This article about linguistic provision of Integrated information library systems and its importance in catalogings, creates Directories a (IRBIS, ARMAT, Koha)

Бугунги кунда замонавий ахборот-кутубхона муассасаларининг катта-кичиклигидан, ҳажми ва кўлаמידан қатъи назар, уларнинг фаолиятини автоматлаштирилган ахборот-кутубхона тизимлари (ААКТ)сиз тасаввур этиш қийин. Сабаби, ААКТ кутубхонадаги жараёнларни автоматлаштирган ҳолда

бажариб, фойдаланувчиларнинг кутубхона-ахборот ресурсларига бўлган талабларини тезкор, сифатли ва тўлиқ қондиришга хизмат қилади. ААКТ ахборот-кутубхона муассасаларидаги асосий кутубхона жараёнларини, яъни ахборотларни йиғиш, ишлов бериш, сақлаш, қидириш ва узатишни автоматлаштириш им-